

## Халқаро парвозлар 2 баробарга кўпайди

Хорижий авиакомпаниялар Ўзбекистонга амалга ошираётган парвозлар 2018 йилга нисбатан **2 БАРОБАРГА** кўпайиб, халқаро йўналишлардаги жами қатновларнинг **49 ФОИЗИНИ** ташкил қилмоқда. Бу йил авиарейслар **800 ТАГА** етган.

2023-йил  
10-avgust  
payshanba  
№ 101  
(4853)

# Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan



## Барқарор ривожланиш ПОҒОНАЛАРИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш ечимлари тармоғи (SDSN) ва халқаро экспертлар томонидан 2023 йилда эълон қилинган БПМ (SDG index) рейтингда Ўзбекистон **71,1 ИНДЕКС БИЛАН 166 ТА МАМЛАКАТ ОРАСИДА 69-ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ.**

Бу натижа 2022 йилга нисбатан 8 поғонага ошган. 2022 йилда Ўзбекистон **69,9 ИНДЕКС БИЛАН 77 ЎРИНДА ҚАЙД ЭТИЛГАН ЭДИ.**

Ўзбекистонда Барқарор ривожланишнинг 10 та мақсадлари бўйича кўрсаткичларида ижобий ўсиш қайд этилган.



Долзарб мавзу

## 2,6 МИЛЛИОН ХОНАДОННИНГ МУАММОСИ

Ёхуд КАДАСТРИ ЙЎҚ  
УЙ-ЖОЙЛАР МАСАЛАСИНИ  
УЗИЛ-КЕСИЛ ҲАЛ ҚИЛИШ УЧУН  
АЛОҲИДА ҚОНУН ЛОЙИХАСИ НЕГА  
ИШЛАБ ЧИҚИЛМАЯПТИ?

Маълумотларга кўра, юртимизда тахминан 2 миллион 600 та хонадоннинг кадастр ҳужжати йўқ. Табиийки, бу уй-жойларда истиқомат қилаётган фуқаролар уй-жойини кенгайтириш ёки оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун ипотека кредити, субсидия каби имтиёزلардан фойдалана олмайди.

Давлат раҳбари раислигида ўтган йил 18 июлда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида Адлия вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Кадастр агентлигига мавжуд муаммони узил-кесил ҳал қилиш учун алоҳида қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш топшириғи берилган эди.

Мана, орадан бир йилдан зиёдроқ вақт ўтди. Лекин қонун лойиҳасидан ҳанузгача дарак йўқ. Аҳоли эса бу борада бирон энгиллик бўлишидан умидвор.

Хўш, қонун лойиҳаси ишлаб чиқишига нима тўсқинлик қилмоқда? Ёки ҳужжат ишлаб чиқилган бўлса, нега шу вақтгача у ҳақда ҳеч қаерда сўз юритилмаяпти?

Бу саволларга ойдинлик киритиш мақсадида дастлаб Кадастр агентлигига мурожаат қилдик.

Агентлик масъулининг таъкидлашича, ҳужжати йўқ хонадонларнинг электрон базаси шакллантирилиб, тегишли вазирлик ва идораларга киритилган. Қонун лойиҳасининг ҳозирги ҳолати бўйича маълумотни эса Адлия вазирлигидан олиш мумкин.

Шундан сўнг Адлия вазирининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси – матбуот котиби Севара Ўринбоевага мурожаат қилдик. У қонун лойиҳаси ишлаб чиқилганини ва тегишли инстанцияга киритилганини маълум қилди.

Хуллас, мазкур лойиҳа қачон тугаши ва қачон қабул қилиниб, амалиётга татиқ этилиши ва унда назарда тутилган нормалар ҳақида ҳар икки ташкилотдан жўяли жавоб ололмадик. Улар қисқagina қилиб: «Ҳаммасини қонун кучга киргач, билиб оласиз», дейишди, холос.

Бу масала ечими миллионлаб одамлар кутаётган муаммо билан боғлиқ. Қолаверса, ушбу қонун тезроқ қабул қилинса ва кучга кирса, давлат бюджетига ҳам салмоқли фойда келтиради.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йилдаги 461-сонли қарори асосида ўзбошимчилик билан қурилган уй-жойларга эгалик ҳуқуқини бериш учун бир марталик акция эълон қилинди ва кўплаб хонадонларнинг кадастр ҳужжатлари шакллантирилиб, эгалик ҳуқуқи берилди. Аммо мана шу жараёнларда ҳудудий комиссиялар томонидан ижобий хулоса берилган ва белгиланган тўлов асосида давлат рўйхатидан ўтказилган айрим уй-жойларга туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори чиқмаган ва уларга кадастр ҳужжатлари берилмаган. Назаримизда, қўйилган янги қонун лойиҳасида мана шу ҳолатлар ҳам инobatга олиниши керак.

Ғулмжон МИРАҲМЕДОВ  
«ISHONCH»



Самарқанд вилояти

Бугунги кунда мамлакатимизда болаларнинг ёзги таътилини мазмунли ташкил этиш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилди ва тўғри қилинди. Виолядаги мавжуд 16 та стационар оромгоҳнинг 12 таси касабаяушмалари тасарруфига ўтказилиб, мавсумга ҳозирланди.

Ҳеч кимга сир эмас, илгари 16 та оромгоҳга шунча таъминотчи бўларди. Яна улар бевосита оромгоҳлар раҳбарлари билан ишлашарди. Энди тасаввур қилинг, оромгоҳ раҳбари таъминот, озиқ-овқатлар

## МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИГАН МАВСУМ

сифати, тайёрланаётган овқат менюсига жавобгар саналарди. Янги тузилмада жараён ўзгарди. Оромгоҳларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласини тендерга қўйдик. Таъминотга қаратилган танловда иқтисодий томондан анча юксалган учта тадбиркорлик субъекти ғолиб чиқди. Уларга нафақат таъминот, балки бутун ошхонадаги жараёнларга жавобгарлик масъулияти юкланди. Озиқ-овқатлар ва таомлар сифати, хилма-хиллигини назорат қилиш вазифаси эса оромгоҳлар раҳбарлари ихтиёрига топширилди. Бу оромгоҳ раҳбарига бевосита шу масканда тадбирлар ташкил этиш, маданий-маърифий тадбирларга бош-қош бўлиш имконини берапти.

Тўғриси айтганда, дастлаб, самарали тузилмани ҳушламаганлар ҳам бўлди. Кимлардир оромгоҳнинг мутлақ эгаси бўлиб ол-

маганидан талвасага ҳам тушди. Иш жараёнида бундайлар фаолиятига ҳолис баҳо бердик, вазиятдан келиб чиққан ҳолда, ҳатто улар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга тўғри келди.

Жорий мавсумда меҳнаткашларнинг салкам ўн мингга яқин фарзандларини дам олдириш режалаштирилган. Ўтган тўрт даврда салкам 9 минг нафарга яқин болажон микириб ҳордиқ чиқарди. Битта оромгоҳ иншоотлари табиий шароит туфайли фаолиятини тўхтатди. Эндиликда 5-навбатга болаларни қабул қилиб, уларга барча шарт-шароит яратиш, режалаштирган вазифани удалаш таррадудини кўраппиз.

Феруза ҚИЛИЧЕВА,

Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи



МИНГТЕПАНИ  
АТАЙЛИК ЎЗ НОМИ  
БИЛАН!



ҚАЧОН КАТТАРОҚ  
ҚАДАМ ТАШЛАШГА  
ОДАТЛАНАМИЗ?



АБУТОЛИБНИНГ  
УЙИ ВА БОШҚА  
ҚАНГОМАЛАР

Қашқадарё вилояти

## МАФТУНИНГМАН, «МИНГЧИНОР»!

«Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамияти тасарруфидаги «Мингчинор» санаторийи ҳамиша дам олувчилар билан гавжум. Китоб туманининг тоғли минтақасида, мусавфо табиат қўйнида жойлашган сихатгоҳ 100 Уринли.

Сўнгги йилларда замонавий даволас ускуна ва аппаратлари келтирилиши, шунингдек, санаторий йўлланмаларининг ходимлар учун имтиёзли экани масканга бўлган қизиқиш ва интилишни ошириб юборди. Санаторий директори Лутфулла Каримовнинг айтишича, сихатгоҳда то сентябрь ойигача ўринлар банд қилинган.

– Қарши туманидаги «Парғуза» маҳалласидан келдим, – дейди Хадича

Қипчоқова. – Барака топсин, ўғлим йўллама олиб берди. Келган кунимданок тозалик, ходимларнинг меҳрибонлиги кўнглимни чоғ этди. Ўзим мактабда 36 йил ўқитувчилик қилганман. Тез-тез бошим оғриб туради. Дам олишга, даволанишга эҳтиёж сезаман. Бу ердаги муолажалардан сўнг гўёки онадан қайта тузилгандек бўлдим. Муסיкий дастурлар, воҳадаги қадамжоларга қилинган саёҳатлардан кайфиятим жуда кўтарилди. Санаторий раҳбаридан тортиб ходимларигача дам олувчиларга меҳрибонлигини айтмайсизми...

– Бу ерга илк бор келишим, – дея сўхбатга қўшилади Жумагул Ҳалимова. – Саломатлигим жойида эмасди, анча чарчагандим. Келган кунимок ором-

бахш табиат, муолажалар ижобий таъсир қилди.

Дарвоқе, сўлим «Мингчинор» тармоқ тадбирлари марказига ҳам айланмоқда. Бу ерда Қозоғистон, Беларусь Республикаларидан келган касабаяушма фаоллари иштирокида семинар юқори савияда ўтказилди. Шунингдек, нефть ва газ ходимлари ўртасида бир неча бор қизиқарли спорт мусобақалари ташкил этилди.

Акмал АБДИЕВ  
«ISHONCH»

Андижон вилояти

## ЮЗ МАРТА ЭШИТГАНДАН КЎРА...

Таълим ва фан ходимлари касабаяушмаси Жалақудуқ тумани кенгаши таълим муассасаларида ишлаётган 75 нафар касабаяушма фаолининг Фарғонадаги Аҳмад ал-Фарғоний номидаги дам олиш масканига саёҳатини ташкил этди.

Мазмунли зиёрат давомида буюк алломанинг бой илмий меросини ўрганиш имконияти яратилди.

– Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал экан, – дейди тумандаги 17-ихтисослашган давлат умумтаълим мактаби ўқитувчиси Фароғатхон Рустамова. – Саёҳат баҳонасида Ал-Фарғонийга оид билимларимизни бойитдик. Келгуси сафар ўқувчиларимиз билан келмоқчимиз. Чунки тарихни жонли тарзда мана шундай мажмуаларда ўқитсак, мақсадимизга эришиш осонроқ кечади.

Фаоллар Фарғона шаҳрининг диққатга сазовор масканлари билан яқиндан танишишди.

Саидкамал РАҲМОНОВ,

Таълим ва фан ходимлари касабаяушмаси Жалақудуқ тумани кенгаши раиси



Тошкент вилояти

## Касабаяушма аралашгач...

2011 йилдан буён Бўка тумани санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимида шифокор ёрдамчиси вазифасида ишлаб келаётган Дилдора Сатторова 2017 йилда туғуруқ таътилига чиқади. 2019 йилда эса иккинчи фарзандига ҳомиладор бўлгани сабабли таътил яна узайтирилади.

## САТТОРОВАНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ТИКЛАНДИ

Фарзанди 2022 йил октябрида 3 ёшга тўлиши муносабати билан у раҳбариятни ишга чиқиши тўғрисида огоҳлантиради. Бироқ иш берувчи ҳадеганда ишга жойлаштириш чораларини кўравермайди. Аксинча, ҳар хил баҳоналар билан бу масалани ортга сураверади. Орада йил якунига етади. 2023 йилнинг 10 мартини эса у ишдан бўшатилгани тўғрисида хабар топади.

Шундан сўнг ўзининг розилигисиз, бунинг устига, асоссиз ишдан бўшатилган аёл ҳуқуқи тикланишини сўраб, касабаяушмаларига мурожаат қилади.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаяушмасининг Тошкент вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспекторлари ўтказган ўрганишлар, суриштирувлар ва ниҳоят, бир неча мартаба бўлиб ўтган фуқаролик иши бўйича суд натижалари ниҳоясида ходимнинг ҳуқуқи тикланишига эришилди.

Суд Дилдора Сатторовани Бўка тумани санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимида эгаллаб келган лавозимига тенглаштирилган ишга тикланиши бўйича ҳал қилув қарори чиқарди.

Мўхаммаджон РЎЗМЕТОВ,

Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаяушмаси Тошкент вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори





